

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 24-iyul, chorshanba № 56 (15694)

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



Dildagi so'z

Ўқиган — ютади, интилган манзилга етади!

Баъзи одамлар қизиқ бўлади. Масалан, уларга: «Фалончининг ўғли кеча телевизорга чиқди», десангиз, «Отаси телевиденида ишласа керак-да», деб жавоб беради-қўяди. «Фалончининг қизи танловда ғолиб бўлибди», деб эшитишса, унга ҳам гап топиб беришади: «Қариндоши ҳакам-пакам бўлгандир-да...» Савол туғилади: ростдан ҳам уларнинг гапи тўғрими? Менимча, йўқ. Эътироз билдиришга шошилмасангиз, мен сизга бу фикримни ўзимнинг ҳаётим мисолида исботлашга ҳаракат қиламан.

Бир неча йил олдин хаёлимдан, мен ҳам «Камолот»-га аъзо бўлармиканман? Мени ҳам қабул қилишармикан, деган хаяжонли фикрлар ўтарди. Ниҳоят, мендаги интилиш «Камолот» сари қадам ташлашга чорлади.

Ҳали-ҳануз эсимда: еттинчи синф ўқувчиси эдим. Аввалига Ҳаракатнинг Самарқанд вилояти кенгаши қошида ташкил этилган «Сардорлар мактаби»нинг уч ойлик мавсумий курсида таҳсил олдим. Уни олтин диплом билан тамомлаб, вилоят «Камалак» болалар ташкилоти сардорлар кенгаши сафига қўшилдим. Кўплаб дўстлар орттирдим. Малакали мутахассислардан сабоқ олдим. Энг муҳими, ҳаётда ўз ўрнимга, шахсий фикримга эга бўлдим. Ютуқларга эришдим. Аммо уларни санамоқчи эмасман. Шу кунгача ҳаётимнинг энг ёрқин хотиралари айнан «Камолот» билан содир бўлганини, нимагадир эришишда қандайдир «таниш-билиш»-ларнинг ҳиссаси йўқлигини таъкидламоқчиман, холос. «Камолот» кўмагида ишонч деган ўта нозик толани ўзимга маҳкам боғлай олдим. Бу мақтаниш эмас, катта кетиш ҳам эмас. Шунчаки, дилимда туғилган, уни тилимга чиқармасам бўлмайдиган сўзлардир.

Албатта, «Камолот» деганда мен шу ташкилотда меҳнат қилаётган инсонларни назарда тутаётирман, уларнинг ёрдами ва қўллаб-қувватлаши менга куч бағишлади.

Ўқиш билан биргаликда «Камолот» ЁИХ Самарқанд вилояти кенгаши қошидаги «Сардорлар мактаби»да фаолият олиб бораёяман. Ўзимнинг кичик бўлса-да, жамоам, яқин дўстларим ва меҳрибон устозларим бор. Жамоам билан биргаликда муаммоларни ҳамжиҳат ҳал қилишга ҳаракат қиламиз. Бир-биримизни қўллаб-қувватлаймиз, кўмаклашамиз. Хуллас, бир оиладек бўлиб кетганмиз.

Ҳали олдимизда мақсад-вазифаларимиз бисёр. Бу йўлда «Камолот» бизга йўлбошчи. Юртбошимиз умид билдирганларидек, бугун «Камолот» биз, ёшларнинг орзу-истаклари рўёбида, истеъдод ва қобилиятларини юзага чиқаришда чинакам кўмакдош бўлаяпти.

Садриддин ҚАРШИБОВЕВ,
СамДЧТИ қошидаги 1-академик лицей ўқувчиси.
Самарқанд вилояти «Сардорлар мактаби» бош сардори



Сардор Муллажонов олган суратлар

Istiqlol farzandlari

Спорт. Дўстлик. Ғалаба

Сергели туманида жойлашган «Спорт — дўстлик — ғалаба» шахмат мактабининг номи мусобақаларда тилга олинган, борингки, шахматга алоқадор юртдошларимизга таниш бўлиши мумкин. Бироқ у ҳақида шу пайтгача фақат шахмат мураббийлари ва мутасаддилари яхшироқ маълумотга эга эдилар.

Шу йилнинг 19 — 26 июнь кунлари Эронда шахмат бўйича олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида сўнг бу мактаб довуғи бутун қитъага ёйилди. Мазкур қитъа чемпионатида учта олтин медаль соҳиби бўлган олти яшар Исломбек Синдоров ушбу мактаб тарбияланувчиси. Унинг акаси, Эрондаги чемпионатда кумуш медални қўлга киритган Жавоҳир ҳам шу мактабда шахмат сирларини ўрганаёпти. Булар ҳали ҳам-

маси эмас. Лобар Раҳматжонова, Асадбек Эгамбердиев, Гулбадан бегим Нишонова сингари ўқувчилар ҳам турли мусобақаларда, жумладан, Ўзбекистон чемпионатида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Лобар Раҳматжонова саккиз ёшли қизлар ўртасида мамлакат чемпиони бўлган. Мактабининг бошқа ўқувчилари ҳам устозлари юзини ерга қаратгани йўқ. Бири бўлмаса, бири ютуққа эришиб, шахмат дунёсига адашиб кириб қолмагани болаларча ўжар-

лик ва қатъият билан исботлашга ҳаракат қилаёпти.

Бу каби маълумотларни эшитганда, беихтиёр қўшқаватли бино, юзлаб болаларнинг чувиллаб ўйнаётгани, танаффус тугаб, кўнғирок чалинганию, синфхоналарга оппоқ кўйлак ва галстукда сипо кириб бораётган муаллимлар келади. Аммо бу мактаб бошқа мактабларга умуман ўхшамайди — йигирма нафарча ўқувчи таҳсил олади, холос. Лекин муаллимларининг бошқаларга ўхшаш жиҳатлари кўп: камтар ва ўз ўрнида жиддий, сабоқдан ташқари муносабатларда жилмайиб турадиган хушфёъл Сирожиддин ва унинг синглиси, сўзлаш оҳангидан тажрибали бошланғич синф ўқитувчиларини эслатадиган Сабоҳат.

Сирдан қараганда, уларни бошқа мураббийлардан фарқлаш қийин. Бироқ суҳбатлашсангиз, уларнинг ўзига хос мураббийлик салоҳиятига эга экани, ёш бўлса-да, ўз принциплари борлигини сезасиз. Масалан, болаларни мактабга қабул қилишда.

— Бу — ишимизнинг асосий жиҳати, — дейди мактаб мураббийи Сабоҳат Зайниддинова. — Болаларни мактабга қабул қилаётиб, дастлаб шахмат доналари билан таништирамиз. Сўнг оддий юришларни ўргатамиз. Утган ярим соат, бир соат ичидаёқ боланинг лаёқати сезилади. Қобилияти бўлса, қабул қилинади, бўлмаса, ота-онасига узримизни айта-миз.

(Давоми 5-бетда)

Эзгулик, тинчлик, дўстлик фестивали

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 1997 йилдан буён ҳар икки йилда бир мартаба ўтказиб келинаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш ва тарғиб этишга, турли халқлар, миллатлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга, ўзбек миллий мусиқа санъати шухратини янада юксалтиришга муносиб хизмат қилмоқда.

Ушбу халқаро мусиқа фестивали шарқона маъно-мазмунни, бетакрор руҳи ва қиёфаси билан дунёдаги кўплаб бошқа санъат ва мусиқа фестиваларидан ажралиб туради. Яна бир муҳим жиҳати, Шарқ олами ва фалсафасини, бетакрор гўзаллик ва нафосатни тараннум этиши, инсон қалбининг энг нозик нуқталарига етиб борадиган куй ва кўшиқларни ифода этиши билан кўпчиликини ўзига мафтун қилмоқда.

Мазкур фестивалнинг Самарқанд шаҳрида ўтказилиши бежиз эмас. Зеро, бу шаҳар маданият, санъат, мусиқа азалдан ривож топган кўҳна Шарқнинг энг қадимий, гўзал ва бетакрор цивилизация бешикларидан биридир. Самарқанд вилоятининг Ургут туманидаги Мўминобод қишлоғидан топилган қадимий мусиқа асбоби — най ҳам бу фикр-

ни тасдиқлайди. Қарийб 3300 йиллик тарихга эга ушбу чолғу асбоби — суяқдан ясалган мўъжазгина най, машҳур Афросиёб деворий суратларидаги машшоқ ва муғаннийлар тасвири ажодларимизнинг мусиқий салоҳияти нақадар юксак бўлганидан далолат беради.

Ҳар гал фестиваль арафасида Самарқанд янада кўркам, файзли ва обод, озода, мафтункор қиёфага киришига гувоҳ бўлганман. Истироҳат боғлари, фавворалар, тўкин-сочин бозорлар, мустақиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида қайта реконструкция қилинган қадимий ва гўзал обидалар, ҳамюртларимизнинг мамнун ва бахтиёр чехрасида барқ ураётган кўтаринки кайфиятдан инсон қалбига энг эзгу, энг беғубор туйғулар инади.

Хаёлда ўзбекона куй-кўшиқлар янграйверади. Самарқанднинг ўзини нодир ва бетакрор, гўзал кўшиққа, ғоят мукаммал мусиқа асарига қиёсласа, хато бўлмайди.

Ўзим бевосита иштирок этган 2005 йилдаги мусиқий анжуман кунлари Регистон майдонида, Самарқанд, Оқдарё, Тайлоқ, Ургут туманларида янграган Шарқ мусиқа санъатининг ноёб дурдоналари минглаб мухлислар қалбини ром этган эди. Дунёнинг турли бурчакларидан келган элликка яқин мамлакат вакиллари ижро этган ранг-баранг тароналар, турли тиллардаги кўшиқларни, таъбир жоиз бўлса, бир жиҳат бирлаштириб турди — уларнинг барчасида эзгулик, тинчлик, дўстлик, муҳаббат тараннум этилди.

Фестиваль ЮНЕСКО шафелигида ўтказилади. Бу турли халқларнинг мумтоз мусиқаси тимсолида асл маънавий қадриятларни бир нуқтада бирлаштирадиган мусиқий анжуманга эҳтиёжни янада ошироқда.

Мазкур фестивалда турли йилларда юқори ўринларни қўлга киритган вакилларимизнинг муваффақияти ҳамма-

мизни қувонтиради. Муножот Йўлчиева, Насиба Сатторова, Соҳибжон Ниёзов, Абдунаби Иброҳимов, Матлуба Дадабоева каби халқимиз меҳрини қозонган санъаткорларимиз «Шарқ тароналари»да голиб ва совриндор бўлди. Уларнинг ҳар бири ўзига хос ижро услуби ва овози билан миллий мусиқа меросимизнинг Шарқ фалсафаси ва жаҳон маданиятидаги ўрни ғоят буюк эканини барчага намойиш этди. Мазкур санъат байрами сабаб уларнинг ижроси жаҳон мусиқа ихлосмандлари эътиборига тушди, кўшиқлари дунёга ёйилди.

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида мен эришган муваффақият кўп йиллик ижодий фаолиятим давомида қўлга киритилган ютуқлар орасида алоҳида ажралиб туради. Сабаби, ҳар бир санъаткор бу каби нуфузли халқаро анжуманда голиб бўлишни чин дилдан истайди.

Ўша йили фестивалда Алишер Навоий ғазали билан айтилувчи «Айлағай» катта ашуласини ҳамда «Оё» ашуласини ижро этгандим. Маълумки, катта ашула ижроси санъаткордан чуқур билим ва

тажриба билан бирга, улкан масъулият ҳам талаб қилади. Уша пайтда ҳис этган ҳаяжон мени ҳамон тарқ этгани йўқ. «Айлағай» катта ашуласи турли миллат ва элат вакиллари ҳайратга солган эди. Бу миллий мумтоз санъатимизнинг жозибаси, сеҳри, бетакрорлиги билан боғлиқдир. Негаки, мумтоз мусиқамиз киши руҳияти, кайфияти, маънавиятига ижобий таъсир ўтказишдек буюк қудратга эга. Шу боис миллий мумтоз мусиқамизни жаҳоннинг барча мамлакатларида катта қизиқиш, эътибор ва эҳтиром билан тинглашади.

Энг улғу, энг азиз байрамимиз — мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллиги арафасида ўтадиган навбатдаги «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали турли халқларнинг хонандаю созандаларини яна гўзал Самарқандга чорлайди. Халқаро мусиқа фестивали кунлари истиқлол йилларида халқимиз эришяётган ютуқлар, тинч-осойишта, тўкин ва фаровон ҳаётимиз, анъана ва қадриятларимиз бор бўй-басти билан намоён бўлади.

Нодира ПИРМАТОВА,
Ўзбекистон Давлат консерваторияси катта ўқитувчиси, «Шарқ тароналари» бешинчи халқаро мусиқа фестивали биринчи ўрин соҳибаси (ЎЗА)

Болаларнинг ёзги таътил кунларини мазмунли ва эсда қоларли воқеалар билан бойитиш мақсадида Тошкент вилояти «Камалак» болалар ташкилоти «Ёзни «Камалак» билан!» лойиҳасини ташкил этди.



«Kamolot» loyihalari

Оромгоҳ чемпиони

Жорий йил Тошкент вилоятидаги мавжуд ўн учта шаҳардан ташқаридаги соғломлаштириш оромгоҳида ҳамда таълим муассасалари қошидаги 107 та кундузги соғломлаштириш оромгоҳида йигирма мингдан ортиқ болалар дам олиши режалаштирилган. «Ёзни «Камалак» билан!» лойиҳаси эса ёз мавсуми-

да оромгоҳларда дам олаётган болалар учун «Саломатлик спартакиадаси», «Кўчма театр», «Бахтли болалик» мавзусида расмлар танлови, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда Бола ҳуқуқлари Конвенцияси бўйича давра суҳбатлари ташкил этиб келмоқда.

Бўстонлик тумани Юсуфхона

қишлоғидаги «Ниҳол» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ҳам ана шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди. «Камалак» кунлари» деб номланган ушбу тадбирда болалар гуруҳларга бўлиниб, «Бахтли болалик» мавзусида расмлар танловида ҳамда футбол, сузиш, шахмат, шашка, «Кувноқ эстафета» спорт мусобақаси бўйича ўзаро беллашди.

Тадбирда болалар учун «Ўзбекинав» эстрада бирлашмаси вилоят бўлими томонидан концерт дастури уюштирилди.

— Бугун оромгоҳимизда катта байрам. Санъаткорларнинг куй-кўшиқларига мазза қилиб рақсга тушдик. Шашка мусобақасида голиб бўлиб, «Камолот»нинг дипломи ва совғасига эга бўлдим, — дейди Дилдора Исаева.

Бундай тадбирлар нафақат оромгоҳларда, балки оромгоҳларга жалб этилмаган болалар ўртасида ҳам ташкил этилмоқда.



Дилором АБДУФАФФОРОВА

Tashabbus

Озод юртнинг обод манзиллари

Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги муносабати билан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор тумани кенгаши томонидан «Қадрқимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида «Келажакка интилган Ватан» лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Лойиҳа доирасида Ҳаракатнинг туман кенгаши ходимлари ва сардорлар кенгаши аъзолари иштирокида «Озод юртга обод масканлар ярашар!» шиори остида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, ушбу шиор остида тумандаги «Илонли ота», «Катта Қозиробот», «Бўта Бува», «Чилонзор ота — 2» қабристонларида ёшлар ҳашарлари ташкил этилиб, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ўтказилди.

— Муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳлар ободлигига ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан бахтиёримиз, — дейди Чилонзор туман «Камалак» болалар ташкилоти раиси Бекзод Каримов. — Бундай хайрли ишни туман ёшлари билан биргаликда бундай кейин ҳам давом эттиришга келишиб олдик.

«Келажакка интилган Ватан» лойиҳаси доирасида ўтказилаётган хайрия ҳашарлари сентябрь ойига қадар давом этади. Унда туманда истиқомат қилаётган боқувчисини йўқотган қариялар ҳовлисида ҳам ободонлаштириш ишлари олиб борилиши режалаштирилган.

Феруза Жўраева,
ЎЗМУ талабаси

Vatanimiz mustaqilligining 22 yilligi oldidan

Мустақиллик ва журналист масъулияти

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида журналистларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий билимини ва касб маҳоратини оширишга бағишланган ўқув семинари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси, Журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА, Миллий телерадиокомпания, «Жаҳон» ахборот агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда депутатлар, олимлар, профессор-ўқитувчилар, оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, матбуот хизматлари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси ректори А.Абдувоҳидов, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори М.Ҳазратқулов, Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Ш.Фуломов, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Ф.Мирзаев, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати

Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ф.Муҳаммаджонова ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида Ватанимиз мустақиллигининг қўлга киритилиши қадр-қимматимизни тиклаш, ўзлгимизни англаш, озод ва обод Ватан, фаровон жамият барпо этиш борасидаги изчил ишларда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Мустақиллик, энг аввало, эркин ва бахтли яшаш ҳуқуқидир. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун» деган олижаноб даъват халқимиз юрагига чуқур кириб бориб, истиқлол йилларида эришган барча ютуқларимизнинг ҳаётбахш манбаи бўлиб келаётир.

Халқимиз ҳаётида рўй бераётган ана шундай улкан ўзгаришларни мамлакатимиз ва хорижда кенг ёритиш, ислоҳотлардан аҳолининг баҳрамандлик даражасини ошириш журналистлар зиммасига катта масъулият юклайди. Бу журналистдан ўз мутахассислиги билан бирга, замонавий ахборот технологиялари ва хорижий тилларни яхши

билишни, ватанпарварлик ҳисси билан яшаш ва миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишни, доимо огоҳ ва фаол бўлишни талаб этмоқда.

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг ана шундай талабларга тўла жавоб бера оладиган мутахассис бўлиши ва эркин фаолият юртиши учун юртимизда барча шароитлар яратилган. Оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, соҳага янги технологиялар ва бозор иқтисодиёти механизmlарини кенг татбиқ этишга доимий эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида мазкур йўналишда давлат тузилмалари билан бирга, нодавлат телерадиоканаллар ва матбуот нашрлари тармоғи ҳам изчил ривожланаётир.

Семинарда мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, эришилаётган ютуқлар ва самараларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши, журналист масъулияти ва вазифалари хусусида сўз юритилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

Vatan himoyasi — muqaddas burch

Ёш авлодни маънавий камол топтириш ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ўқув муассасалари билан биргаликда Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ҳам ўз ўрни бор. Бу борада «Ватанпарвар» ташкилотининг Сурхондарё вилояти Қизириқ тумани кенгаши ҳам яхши ташаббусларни амалга ошириб келяпти.

«Ватанпарвар» ташкилоти қизириқлик ёшлар орасида спортнинг техник ва амалий турини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бугун «Шунқорлар» ҳарбий спорт мусобақаси академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг сеvimли лойиҳасига айланди. Мактаб ўқувчилари эса дуатлон билан шуғулланишади. Шу боис туманда «Ватанпарвар» ташкилотининг ўқув, спорт-техника клуби аъзолари вилоятда ўтказилаётган спорт мусобақаларида фахрли ўринларни қўлга киритиб келмоқда.

Мамлакатимизда ҳайдовчилар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга ихтисослашган ўқув масканлари фаолияти самарадорлигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Натижада бундай муассасалар фаолияти сон жиҳатдан эмас, балки сифат жиҳатдан яхшиланмоқда.

Ангор туманидаги «Кўнгилли автоҳаваскорлар» жамияти аъзолари ҳам вилоятда ҳайдовчилар тайёрлаш ва қайта тайёрлашда яхшигина тажрибага эга. Бунда жамиятнинг зарур моддий-техник базага эга эканлиги, қолаверса, кўп йиллик тажрибага эга мутахассислар билан таъминланганлиги муҳим омил бўлмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш борасида белгиланган режаларни ўз вақтида бажариб, малакали мутахассислар тайёрлашга эришилди. Бунда жамоада меҳнат қилаётган фидойи устозларнинг хизмати катта.

Тумандаги барча таълим муассасаларида автомобилларни хавфсиз бошқариш асослари, вояга етмаганлар ўртасида йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг олдини олиш каби мавзуларда учрашувлар ташкил этилиб, тушунтириш ва тарғибот ишлари йўлга қўйилган.

Ўтказилаётган бундай тадбирлар йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қиладиган, билимли ва маҳоратли ҳайдовчилар кўпайишига, йўл-транспорт қоидаларининг олдини олишга хизмат қилади.

Ўрол ХИДИРОВ,
Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти
Қизириқ тумани кенгаши ўқув, спорт-техника клуби директори.
Зокиржон НОРҚУВВАТОВ,
Ангор тумани «Кўнгилли автоҳаваскорлар» жамияти бошлиғи.



«Yoz — 2013»

Мукофотга — китоб

Ўқувчи-ёшларнинг ёзги таътил кунларини мазмунли ўтказиш мақсадида Самарқанд шаҳар «Камалак» болалар ташкилоти томонидан бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Оромгоҳларда ўтказилаётган интеллектуал ўйинлар, спорт мусобақалари ва «Қизиқarli топишмоқ» дастурлари болажонларга манзур бўлмоқда.

Яқинда Самарқанд шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли «Алпомиш» оромгоҳида ана шундай тадбирларнинг навбатдагиси ташкил этилди. Бугун Самарқанд шаҳрида доимий оромгоҳлар билан бирга, саккизта умумтаълим мактаби қошида кундузги оромгоҳлар ҳам фаолият кўрсатмоқда. Ушбу оромгоҳларда маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

— Оромгоҳда мазза қилиб дам олаёпмиз. Ҳар куни турли

тадбирларда иштирок этамиз. «Камолот»чилар томонидан ўтказилган бугунги тадбирдан барча тенгдошларим хурсанд. Ушбу тадбирда «Қизиқarli топишмоқ» лойиҳасида қатнашиб, «Шум бола» китоби билан тақдирландим, — дейди Пастдарғом туманидаги 56-мактаб ўқувчиси Севинч Баҳриддинова.

Шу кунларда Ҳаракатнинг Самарқанд шаҳар кенгаши томонидан ўтказилаётган «Ёзни «Камалак» билан!» лойиҳаси қизгин давом этмоқда.

Рустам ҚҶҚОРОВ



«Кўёшжон» болалари

Икки йилда бир маротаба ташкил қилинадиган ва болажонлар орзиқиб кутадиغان пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги 242-мактабда жойлашган «Кўёшжон» болалар мактаб-соғломлаштириш оромгоҳи ўқувчиларнинг сеvimли масканларидан бири.

«Кўёшжон»да тўртта мавсумда олти ёшдан ўн икки ёшгача бўлган 120 нафар бола икки ҳафта давомида дам олади. Оромгоҳда болалар учун барча қулайликлар яратилган.

У ерда йигирма нафар тарбиячи ва ўқитувчи фаолият юритади.

Оромгоҳга турли ташкилотлар ҳомийлик қилиб, болалар учун бепул дам олиш ташкиллаштирилган. Масалан, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати дам олиш жойларига йўлланмалар олиб беришга кўмаклашади. Улар: «Planetariy» музейи, «Chimboy» сузиш ҳавзаси, «Ёш томошабинлар» театри, Ҳайвотот боғи, 4-сонли маданият уйи. Ҳар ҳафтада бир маротаба

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабалари ўз чиқишлари ва болаларга аталган совғалари билан дам олувчилар қувончига қувонч қўшиб келишади.

Оромгоҳнинг ёпилиш маросимида барча ота-оналар, болалар, мураббийлар, тарбиячилар ва меҳмонлар иштирок этиши режалаштирилган.

«Кўёшжон» болалар мактаб-соғломлаштириш оромгоҳидаги шарт-шароит, саранжом-саришталик, тарбиячиларнинг болажонларга меҳрибонлиги бизни жуда қувонтирди. Оромгоҳдан хуш кайфият билан қайтдик.

Камолиддин ҲАМДАМОВ,
ЎЗМУ талабаси

Хавфсиз бошқарувчи

Қонун лойиҳаси муҳокамада

Ҳар йили ёз мавсумида маиший чиқиндилар ҳажми бир неча баробар ортади. Улар ўз вақтида олиб кетилмаса, хунук манзара юзага келиши билан бирга, инсон саломатлигига ҳам салбий таъсир ўтказиши мумкин. Афсуски, чиқиндилар учун махсус жойлар ташкил этилган бўлса-да, ҳамон истиқомат жойларда тўда-тўда чиқинди ётганига гувоҳ бўламиз. Бу айримларнинг масъулиятсизлигидан, экологияга оид билим ва маданияти саълигидан дарак беради.

Демак, фуқароларнинг экологик маданиятини юксалтириш орқали атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда экологик назоратни шакллантириш зарур. Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган устувор вазибалардан келиб чиқиб, фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш борасидаги роли ва ўрнини кучайтиришга қаратилган «Экологик назорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилиб, кенг жамоатчилик томонидан муҳокама этилмоқда.

Қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган ана шундай тадбирлардан бири Андижон вилоятида бўлиб ўтди. «Экологик назоратнинг асосий вазибалари» мавзусида ташкил этилган давра суҳбати Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси, Экоҳаракат депутатлар гуруҳи ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг вилоят ҳудудий бўлинмаси ҳамкорлигида амалга оширилди. Депутатлар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари мутасаддилари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, экология ва соғлиқни сақлаш соҳасида фаолият олиб бораётган нодавлат-нотижорат ташкилотлар раҳбар-

лари иштирок этган мазкур тадбирда қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Ушбу ҳужжатни тайёрлашда кўплаб давлатларнинг бу борадаги илғор тажрибалари ва мамлакатимизнинг ўзига хос жиҳатлари ҳисобга олинган, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Пўлат Реймов. — Қонун лойиҳаси экологик назоратни амалга ошириш тизимини такомиллаштириш ва назорат фаолиятини мувофиқлаштириш механизмини барпо этиш, нодавлат-нотижорат ташкилотлар фаоллигини ошириш, жамоат экологик назорати хизматларининг ваколатларини белгилаш, вазибаларни бажариш тартиби, экологик назорат бўйича қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик масалаларини тартибга солишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Экологик назорат тўғрисида»ги қонунининг норма ва талабларини рўёбга чиқариш самарадорлиги фуқаролик жамияти институтларини шакллантиришга, жамоат ташкилотларининг, фуқароларнинг

ўзини ўзи бошқариш органларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизимида ва экологик муаммоларни ҳал этиш жараёнида иштирок этишлари га боғлиқ. Ушбу қонун лойиҳаси экологик назорат соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси экологик сиёсатининг мазмуни ва асосий йўналишларини аниқлаб беради.

Тадбирда сўзга чиққан депутатлар, аграр ва сув ҳўжалиги, экология масалалари бўйича доимий комиссия аъзолари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, сиёсий партиялар кенгашлари, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, ташкилотлар, ўқув муассасалари, экология ва тиббиёт йўналишидаги нодавлат-нотижорат ташкилотлар вакиллари қонун лойиҳасига доир аниқ таклифларини билдиришди.

— «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ушбу қонун лойиҳаси ишлаб чиқилаётган дастлабки йилдан оқ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган ҳолда муҳокамаларда ёшлар иштирокини таъминлаган, —

дейди «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши бош мутахассиси Элёр Раҳматов. — Хусусан, Концепцияни ўрганиш ойлиги доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ҳаракатнинг вилоят ва туман кенгашлари томонидан «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳасига кенг жамоатчилик, хусусан, ёшлар томонидан билдирилган таклифлар, фикр-мулоҳазалар муҳокамаси яқунлари юзасидан давра суҳбати ўтказилган. Ушбу тадбирда ўз фуқаролик позициясига эга ҳар бир шахс ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитасининг қарорига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда кенг жамоатчилик вакиллари ни жалб қилган ҳолда қонун лойиҳаси муҳокамаси ташкил этилмоқда. Ўтказилаётган тадбирларда қонун лойиҳасини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор таклифлар билдирилмоқда.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири

Ifixor

Институтда рақамли электрон кутубхона

Институтимизда ўқув жараёнини ахборот ресурслари билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Ахборот-ресурс марказида 200 мингдан ортиқ илмий ва ўқув адабиётлари, юз ўринга мўлжалланган замонавий махсус интернет синфлари, 2000 дан ортиқ электрон китоблар, 120 дан ортиқ электрон ўқув-услубий мажмуалар мавжуд.

Шунингдек, айни кунда таълим муассасасида Корея Республикаси томонидан замон талабларига мос рақамли электрон кутубхона яратилган.

Институтимиз Хитой, Япония, Корея, Малайзия, Ҳиндистон, Россия, Англия, Германия, Миср каби йигирмадан ортиқ мамлакатлардаги шарқшунослик, тилшунослик, тарих, фалсафа, сиёсатшунослик фанларига ихтисослашган институт, жамғарма, давлат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади.

Тимур САМЕДИНОВ,
Тошкент давлат шарқшунослик институти талабаси

Mulohaza

Миллат руҳи

Маълумотларга кўра, дунёда уч мингдан зиёд тил бор. Уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлса-да, ҳаммаси ҳам ўзаро мулоқот, фикр алмашиш воситаси даражасида шаклланимаган. Оламшумул, мумтоз асарлар ёзилган тиллар эса улардан-да оз. Мана шу кам сонли, тарихий илдизи неча-неча асрларга бориб тақаладиган бой тиллар қаторида ўзбек тили ўз мавқеига эга.

Бу йил ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганининг 24 йиллигини нишонлаймиз. Ўтган давр мобайнида она тилимиз янги босқичга кўтарилиб, бу борада кенг кўламли тадқиқотлар ўтказилди, ўзбек тилининг жозибаси ва нафосатини бор бўйича намоён этувчи илмий-амалий ишлар қилинди. Ўзбек тили изоҳли луғатининг беш жилди нашр этилганию, Навоий асарлари луғати чоп қилингани она тилимиз тараққиётидаги муҳим босқичдир.

Ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол, ўз халқи ва Ватанига садоқатли этиб тарбиялашда улар шуурига она тилимизга муҳаббат туйғуларини сингдириш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ҳар бир йигит-қизнинг халқига, юртига муҳаббати она тилига ҳурмати билан белгиланади.

Мадина ТЕМИРОВА,
Учкудук қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-хунар коллежи ўқитувчиси

Энг яхши бизнес ғоя

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармасида «Ёш тадбиркор — юртга мададор» ва «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор» кўрик-танловларининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Савдо-саноат палатаси, «Микрокредитбанк», «Агробанк» ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган ушбу

танловда вилоятдаги академик лицей ва касб-хунар коллежлари битирувчилари орасидан етмиш нафарга яқин йигит-қиз ўз бизнес лойиҳала-

ри билан иштирок этди.

Танлов сўнггида ишчи гуруҳ аъзолари томонидан олти нафар энг намунали бизнес режа эгасига танловнинг республика босқичида қатнашиш учун йўлланма берилди. Танлаб олинган олти нафар иштирокчи жорий йилнинг сентябрь ойида Тошкент вилояти Бўстонлик ту-

манида жойлашган «Камолот» ёшлар оромгоҳида малакали мутахассислар ҳамда бизнес-тренерлар томонидан етти кунлик махсус ўқув семинарида қатнашиб, ўз бизнес режаларини ишчи гуруҳ аъзолари олдида ҳимоя қилишади.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА

Тенгдошларимиз билим-рингда

Ўтган йили «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қўнғирот тумани кенгаши қошида «Феникс» интеллектуал клуби ташкил этилган эди. Кўп ўтмай, клубда туман ёшларининг қизиқиш ва интилишларидан келиб чиққан ҳолда «Брейн-ринг» интеллектуал ўйинини ўтказиш йўлга қўйилди.

2012-2013 ўқув йили давомида Қўнғирот туманидаги барча мактаб ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида «Билги кучли бирни йиқитади, билими кучли мингни йиқитади» шиори остида «Брейн-ринг» интеллектуал ўйини ўтказилди. Йил давомида 120 нафар йигит-қиз интеллектуал ўйинда қатнашиб, ўз билим ва топқирлигини синовдан ўтказди.



«Брейн-ринг» интеллектуал ўйинининг якуний сарҳисобига кўра, тумандаги 50-мактабнинг «Оскар» жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, кўчма кубокни қўлга киритди. 34-мактабнинг «Эверест» жамоаси иккинчи, 37-мактабнинг «Сириус» жамоаси учинчи ўринга сазовор бўлди.

Касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида эса Қўнғирот тиббиёт коллежининг «Медик-

лар» жамоаси биринчи ўрин билан кўчма кубокни қўлга киритган бўлса, Қўнғирот нефтьгаз коллежининг «Кембриж», Қўнғирот тиббиёт коллежининг «WATC» жамоалари иккинчи ва учинчи ўринларга сазовор бўлди.

Азамат АҲЕЗБАЕВ,
Қўнғирот тиббиёт коллежи ўқувчиси

Спорт. Дўстлик. Ғалаба



(Давоми, боши 1-бетда)

Мураббийнинг айтишича, шахматга қизиқиш ва иқтидорини йўқ болани олиб қолиш ва унинг ҳам, ўзларининг ҳам вақтини беҳуда сарфлашдан маъни йўқ. Эҳтимол, ўша шахматга лаёқати йўқ бола жуда зўр расм чизар ёки ундан келажакда зўр футболчи чиқар, биз билмаймиз-ку, дейди Сабоҳат. Мактабимизда шуғулланаётган болаларнинг ҳаммаси иқтидорли. Орасида эринчоғи, ўйинқароғи бор, лекин қобилиятсиз йўқ.

Республика миқёсидаги нуфузли мусобақаларда бир неча мартаба иштирок этиб, ғолиб бўлган Сабоҳат Зайниддиновнинг мураббийлик фаолиятини бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Унинг биринчи иш жойи Сергели туманидаги 305-мактабгача таълим муассасаси бўлган.

— 2010 йил, адашмасам, ўқув йили энди бошланган пайт эди, — дея эслади Сабоҳат. — Сергелидаги 305-боғчага бордим. Раҳбарият билан гаплашдим. Шахмат билан беш ёшимдан шуғулланиб келишим, энди болаларга ўргатиш ниятида эканимни айтдим. Таълим муассасаларингиздан машҳур шахматчилар чиқишини хошлаймизми, дедим. Улар бироз ўйлангандан сўнг менга

боғчада тўгарак очишга рухсат беришди. Мураббийликни учта болага шахматни ўргатишдан бошладим. Уларнинг бири Жавоҳир Синдоров эди.

Жавоҳир Синдоров етти ёшдаёқ ўн ёшли болалар ўртасида ўтказилган мамлакат чемпионатида ғолиб бўлган. 2012 йили Ҳиндистонда мактаб ўқувчилари ўртасида бўлиб ўтган VIII Осиё чемпионатининг блиц мусобақасида олтин, стандартда кумуш медални қўлга киритган. Ундаги иқтидорнинг юзага чиқишида Сирожиiddин билан Сабоҳатнинг ҳиссаси катта.

Ака-сингил мураббийлар шахмат мактабида йўлга қўйган

тизим ўзига хос. Масалан, баҳолаш тартиби. Мураббийлар ўқувчиларни кундалик тарзда баҳолашмайди...

— Болаларни зериктирмаслик — кўп ютуқларнинг гарови, — дейди Сирожиiddин Зайниддинов. — Ўқувчиларимиз, асосан, олти-ўн икки яшар болалар эмасми, уларни бир зум зериктирсангиз, хаёли шахматдан чалғиб, кўчага қараб кетиши мумкин. Шу боис фақат масалалар билан чекланмасдан, уларнинг диққатини ички мусобақаларга, турли тахлилий машқларга қаратамиз.

— Ҳафта мобайнида боланинг нимани ўрганганини текширишнинг яхши усулини йўлга қўйганмиз, — дейди Сабоҳат. — Ҳафта охирида тезкор шахмат турнирларини ўтказиб борамиз. Унда ким яхши ўринни эгалласа, ҳафталик билимини яхши ўзлаштиргани шу бўлади. Натижасига қараб, ким билан янада чуқурроқ шуғулланиш лозимлигини ўзимиз ҳам билиб бораверамиз.

МЕХР ВА ТАЛАБЧАНЛИК УЙҒУН

Бугун мамлакатимизда Юртбошимиз ташаббуси билан аёл мураббийларни тайёрлашга, қизларни спортга янада кўпроқ жалб этишга алоҳида эътибор қаратилаёпти. Ўтган йиллар давомида юрти-

нисбатан беш баробар ошганини ана шу ишларнинг ҳосиласи, дейиш мумкин.

Шу ўринда савол туғилади: аёл мураббийларни тайёрлашнинг, бу масалага алоҳида урғу беришнинг нима ҳикмати бор?

Аёллар табиатан эркакларга нисбатан меҳрибонроқ,



юмшоққўнғилроқ ва ширинсўзроқлар. Бу қай даражададир уларнинг тарбиячилик, мураббийликдаги асосий салоҳиятларини белгилайди. Қолаверса, тўрт-беш ва ундан катта ёшдаги болалар учун меҳрибон аёл мураббийдан кўра яна ким яхшироқ устоз бўла олиши мумкин?

Умуман, бу борада биз ҳали илғамаган жиҳатлар кўп ва «Спорт — дўстлик — ғалаба» шахмат мактабида болаларга сабоқ бераётган Сабоҳат Зайниддинова сингари жонкуяр мураббий қизлар фаолияти билан танишган сари бу жиҳатларни янада англаб, билиб бораверасан, киши.

— Ислонбек, бир қўл ўйнамаймизми? — дейман оёқчаларини стулда ўйнатганча (улар ҳали ерга тегмайди) берилиб

сипоҳларни юргизаётган кичкинтой чемпионнинг кучини ўзимча синаб кўрмоқчи бўлиб. Устози Сирожиiddин берган топшириқни астойдил бажараётган Ислонбек қатъий жавоб қайтаради:

— Бошқа жойда ўйнаймиз. Ҳозир дарс қилаяпман-ку!

— Э, — дейман кулиб. — Билмабмиз-да!

— Жуда ўйинқароқ, — дейди Сабоҳат шогирдига қараб. — Аммо ўрни келса, шахматга шунақанги шўнғиб кетади...

Гурунгимиз ўзани болалар руҳияти, улар билан ишлашнинг ўзига хос томонларига қараб бурилади.

Ака-сингил мураббийлар ҳар бир боланинг феъл-атвори, индивидуал хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда шуғулланади.

Ўтказиб туришади, — дейди ўн бир ёшли Асадбек Эгамбердиев. — Уларнинг сабоқлари бизга жуда ёқади.

ЧЕМПИОНЛИК ФОРМУЛАСИ БОРМИ?

— Баъзи ота-оналар Нодирбек Абдусатторовнинг жаҳон чемпиони, Жавоҳир ва Ислонбек Синдоровларнинг Осиё чемпиони бўлганини эшитиб, фарзандларини етаклаб келишмоқда, — дейди мураббий Сабоҳат. — Шунда уйлайманки, демак, спорт бугун турмуш тарзимизга сингибди. Одамлар спортнинг фойдасини билишибди эмас, англаб етишибди, дея хурсанд бўламан. Бу ҳам бўлса, бугун имкониятларнинг кўплиги, спорт билан шуғулланиш учун яхши шароитлар етарли эканидан-да. Бироқ баъзи ота-оналарнинг, менинг ҳам ўғлимни чемпион қилиб берсангиз, деган ҳазилнамо гапларини эшитганда, ўйлаб қоламиз. Чемпион қилиб бўлмайди, чемпион ўзи чемпион бўлиб етишиши керак! Шахматчи бир кунда камида олти соат шахмат ичида яшамаса, ҳеч нарсага эришолмайди. Бир кун машқ қилмаса, формасини йўқотиб қўяди. Мусобақаларда қатнашмаса, тажриба тўплай олмайди.

Ўн ёшгача бўлган болалар ўртасида Ўзбекистон чемпионатида қатнашаётган Жавоҳир бир ўйинда ютган, партияни таҳлил қилишимиз керак эди. Мен унинг дафтарга ёзилган юришларини текшираётсам, у бориб компьютерда аллақандай ўйинни ўйнаб ўтирибди. Бола эмасми, бугунги партияни ютган бўлсам, энди мазза қилиб ўйин ўйнайман, деб сал эркинсанган, чоғи. Унга унча-унча мусобақа эмас, мамлакат чемпионатида ўйнаётганини, бунинг учун қанча қийинчиликни енгиб ўтганини, энди ҳаммасини бир неча кун ичида бой бериш яхши бўлмаслигини айтиб, уялттирдим. Гапларимни тушунди. Биргалиқда унинг бугунги партиясини таҳлил қилиб чиқдик. Ўша чемпионатда у ғолиб бўлди.

Айтмоқчиманки, киши болалигидан интизомга ўрганиши шарт. Бир нарсага эришиш учун айрим нарсалардан воз кеча билиши керак. Менимча, фақат шахматда эмас, ҳамма соҳада шундай. Одам ўзини ўзи тарбияламаса, ўзида ғолиблик кўникмасини шакллантирмас, мураббийнинг ҳаракатлари бекор.

«Спорт — дўстлик — ғалаба» шахмат мактабида ака-сингил мураббийлар Сирожиiddин Зайниддинов ҳамда Сабоҳат Зайниддинова ўз мураббийлик қарашларини ўқувчи-ёшлар онгига сингдириб, уларни юксак манзиллар сари етакламоқда. Спорт воситасида улар ёшларда дўстлик, ҳамжиҳатлик, бирдамлик туйғуларини шакллантириб, ғалабаларга чоғламоқда.

Келажакда бу даргоҳдан қанча чемпионлар чиқади, қанча машҳур спортчилар камол топади — бу соф спортча истакларнинг ижобати бўлар. Бироқ, ишонимизки, бу ердан ҳали кўп улуғ инсонлар етишиб чиқади. Чунки унинг пойдеворини ўз ишига содиқ, жонкуяр, дилига кўп улуғ ва эзгу ниятларни жойлаган тенгдошларимиз қўйишмоқда.

Элмурод НИШОНОВ,
«Turkiston» мухбири.
Сардор Муллажонов
олган суратлар



миз - даги барча спорт мажмуалари, таълим муассасаларини малакали мураббийлар, хусусан, мураббий аёллар билан таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилди. 2012 йилда Ўзбекистондаги мураббий аёлларнинг сони 2003 йилдагига

танишган сари бу жиҳатларни янада англаб, билиб бораверасан, киши.

— Ислонбек, бир қўл ўйнамаймизми? — дейман оёқчаларини стулда ўйнатганча (улар ҳали ерга тегмайди) берилиб

Ёш тадбиркорларга имтиёзли кредит

Катта ҳаёт бўсағасида турган йигит-қизларнинг касб-ҳунарли бўлишига қаратилган саъй-ҳаракатлар уларнинг оиласига, маҳалласига, юртига дахлдорлик ҳиссини кучайтиришга хизмат қилади.

Жорий йилда республика тижорат банклари томонидан коллеж битирувчиларининг ўз бизнес лойиҳаларини йўлга қўйиши учун 53,5 миллиард сўмлик кредитлар йўналтирилиши режалаштирилган эди. «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган ушбу кредитларнинг 1,5 миллиард сўми Сирдарё вилоятидаги

47 та касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини амалга ошириш учун ажратилган. Ҳозир вилоятдаги 709 нафар ўқувчининг бизнес лойиҳалари ўрганилиб, уларнинг ўттиз нафарига бизнесни ривожлантириш учун микрокредитлар ажратилган бўлди. Мазкур йўналишдаги кредитнинг юқори миқдори энг кам иш ҳақининг

150 бараваригача белгиланган бўлиб, бир йил мuddатга берилади.

— Тадбиркорлик билан шуғулланишни, шу орқали оиласига, жамиятига фойдаси тегишини ким ҳам истамайди, дейсиз. Бугун тадбиркорлик билан шуғулланишни истаганларга етарли имтиёзлар яратилган. Фақат мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишимиз зарур. Уйлайманки, тенгдошларим бундай қулай имкониятни қўлдан бой беришмайди, — дейди Янгиер педагогика коллежи битирувчиси Гул-

ҳаё Туронова.

Коллеж битирувчиларига кредитларнинг берилиши бир томондан ёшларнинг келажак сари биринчи қадамларига кўрсатилаётган мадад бўлса, бошқа жиҳатдан Юртбошимизнинг уларга билдираётган ишончининг ёрқин ифодасидир. Шак-шубҳасиз, ақлу заковатда, билиму салоҳиятда дунёдаги ҳеч бир тенгдошидан кам бўлмаган тенгдошларимиз ўзларига билдирилаётган бундай ишонччи юксак қадрлайди.

Нилуфар ҲАЙИТОВА



Ёшлар янги марралар сари одимласин

Kelajakka qadam

Ғаллаорол ижтимоий-иқтисодий коллежи 2006 йилда ташкил этилган. Ҳозирда 55 нафар ўқитувчи фаолият кўрсатмоқда. Шундан 42 нафари ёш, олий маълумотли ўқитувчилардир. 2012-2013 ўқув йилида жами 872 нафар ўқувчи тахсил олди. Шундан 245 нафари битирувчилардир. Ушбу ўқув йилида ўқувчиларнинг дарс машғулотларига қатнашиши 94,6 фоизни ташкил этди. Мунтазам дарсга қатнашмайдиган ўқувчилар йўқ.



Коллежимизда ўқув режага мос равишда барча фанлардан дастурлар ишлаб чиқилган. Намунавий ва ишчи ўқув режа ҳамда дастурлар ўзаро бир-бирига мос.

Таълим-тарбиянинг сифати, албатта, янгиликка интилувчи, фидойи ўқитувчиларнинг ижодий муҳитга ҳиссасига боғлиқ. Жамоамизда услубий қўлланма ва тавсиялар яратилган ўқитувчиларимиз талайгина. Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Абдуманнон Калбоев тажрибали ўқитувчилардан. У «Инновацион таълим технологияси» (ҳаммуаллифликда), «Ўқув режалаштириш ҳужжатларини юритиш методикаси», «Ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш методикаси» каби услубий қўлланмаларни ёзди. Бу қўлланмалардан жамоадаги ўқитувчилар ўз ўрнида фойдаланишмоқда. Бундан ташқари, Нигора Абдусатторова, Низом Ёрбеков, Феруза Шербекова, Ирода Қувватова каби ўқитувчилар ҳам турли ишланма ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Наргиза Санаева биология фанидан, Матлуба Исроилова она

тили ва адабиётдан, Ҳожимурод Тўрабеков иқтисодий таҳлил фанидан, Шерзод Туропов физика, Ирода Маматқулова Ўзбекистон Конституцияси фанидан дарсларни ўтишда ахборот-коммуникацион ҳамда инновацион технологиялардан фойдаланмоқда.

Ўқув масканимиз Катта Ўзбек тракти ёқасида жойлашган. Йўлдан ўтганларнинг, аввало, коллежимизнинг кўркем ва ҳашаматли биносига кўзи тушади. Ана шу чиройли бинонинг ҳовлисидаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам шунга яраша бўлиши кераклигини ўқувчи ва ўқитувчилар яхши англашади. Шу боис коллеж ҳовлисининг ва боғининг чиройига чирой қўшиш мақсадида бу йил ҳам баҳор ойларида яна ўттизта манзарали тут дарахти, ўн та каштан, еттита япон сафураси, икки мингта атиргул ва мингта ҳар хил гуллар экилди.

Айни пайтда битирувчилар учун ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлашиб, олган билимларини амалиётга татбиқ қиладиган пайт келди. Барча коллежларда бўлгани

каби Ғаллаорол ижтимоий-иқтисодий коллежида ҳам бошланғич таълим ташкилотчиси, жисмоний тарбия ва болалар спорти бўйича мураббий, молиячи, банк иши мутахассиси, ижтимоий муҳофаза ҳуқуқшуноси, хўжалик масалалари ҳуқуқшуноси, компьютер ва компьютер тармоқларини таъмирлаш ва сошлаш бўйича техник мутахассисликлари бўйича битирувчилар билан уч томонлама шартномалар тузилган. Ўтган йили 281 нафар битирувчидан 275 нафари иш билан таъминланган. Беш нафари олий таълим муассасасига ўқишга кирган.

Ёшларимиз коллежда ўқиб юрган давридаёқ тадбиркорлик борасида яхши кўникмаларга эга бўлишмоқда. Ҳукуматимиз томонидан яратилган имкониятлар, банклардан берилган имтиёзли кредитлар битирувчиларнинг дастлабки тадбиркорлик фаолиятини бошлаб олишига қулайлик туғдирди. Бизнинг коллежда ҳам кредит олиш истагини билдирган битирувчиларимиз кўп. Уларнинг ўн нафари банкка мурожаат қилган. Масалан, туманимизнинг Чаёнли қишлоғида яшовчи битирувчимиз Зафаржон Норқулов ишга жойлашиш учун тумандаги «Абдумурод Муҳаммадиев» МЧЖ билан шартнома тузган. У банкдан тўрт миллион кредит олиб, чорвачиликни йўлга қўймоқчи. Ана бир битирувчи Тўлқинжон Ақромов эса, кредит олиб компьютер хизматларини очмоқчи. Битирувчиларимиздан Шердор Мардиев, Мирвоҳид Абдуалимов, Гулмира Қурбонова, Феруза Абдухамидова каби ўқувчилар тадбиркорликнинг бошқа турларида ўзларини синаб кўриш ниятида. Ўтган йили битирган ўқувчиларимиз — Фарҳод Синдоров, Насифжон Ғайбуллаев, Жўрабек Эрназаров, Дилфуза Жўрабоева, Зулфизар Раҳимова ҳар бири энг кам иш ҳақининг икки юз баравари миқдоридagi кредит ҳисобига беш гектардан ер олишди. Интенсив боғ қилишиб, тадбиркорлик билан шуғулланишмоқда.

Икром РАВШАНОВ,
Ғаллаорол ижтимоий-иқтисодий коллежи директори

Электр энергияси, ичимлик суви, табиий газ ва бошқа коммунал тўловларни ўз вақтида тўлаб борасизми? Афсуски, маҳаллаларда истиқомат қилаётган баъзи хонадон эгалари коммунал тўловларни тўлашда масъулиятсизликка йўл қўйишмоқда. Улар орасида тўловларни ўз вақтида тўламасдан пайсалга солиб келаётганлар ҳам йўқ эмас.

Эл фаровонлиги йўлида

Бунинг оқибатида мазкур ташкилотларда дебиторлик қарзлари кўпаймоқда. «Ўзтрансгаз» АК «Жанубгазтаъминот» унитар корхонаси Ангор туман газ филиали ҳам бир неча йиллар олдин дебиторлик қарзлари ошиб, ночор ҳолга келиб қолган эди. Филиал жамоасининг саъй-ҳаракатлари, аҳоли ўртасида доимий ўтказиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари яхши йўлга қўйилгани сабаб, мазкур муаммо ўз ечимини топмоқда. Жамоадаги соғлом муҳит ҳамда ишчиларга яратиб берилаётган шароитлар ҳам иш унумини оширмоқда.

Бугун Ангор туманида табиий газдан фойдаланиб келаётган 13856 та хонадон мавжуд. Табиий газ етиб бормаган 22 та маҳаллага эса корхона томонидан суюлтирилган газ етказиб берилмоқда. Аҳолига қулайлик яратиш ва узоғини яқин қилиш мақсадида табиий газ етиб бормаган хонадонлар бепул газбаллонлар билан таъминланмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида туман аҳолисига 457 дона газбаллон тарқатилган бўлса, хонадонлар иккинчи чорақда сизими йигирма килограмм бўлган минг дона газбаллон билан таъминланиши режалаштирилган.

Филиал қошида ёрдамчи хўжалик ташкил этилган бўлиб, унда Украинадан келтирилган 45 та зотдор қорамол парваришланмоқда. Бу корхонадаги ишчилар дастурхонини арзон сут ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлашга хизмат қилмоқда.

Келгусида «Ўзтрансгаз» АК «Жанубгазтаъминот» унитар корхонаси Ангор туман газ филиали раҳбарияти ёрдамчи хўжалик қошида сутни қайта ишлаш цехини ташкил этиб, ёшлар учун янги иш ўринларини яратиш ниятида.

Шавкат ШОНАЗАРОВ,
Ангор туман газ филиали бошлиғи

Бунёдкорлик одимлари

Илгарилари қишлоқ деганда пастқам, пахсали уйларни, чанг қўчаларни кўз олдимишга келтирардик, тўғриси. Энди-чи, кўркам шаҳарчани эслатувчи янги қишлоқлар киши эътиборини тортмай қўймайди. Ахир, барча қулайликларга эга, фусун таратиб турган бу жойлар, албатта, ҳайратингизни оширади-да.

Ҳа, дарров сездингиз, гап намуна лойиҳалар асосида, замонавий меъморчилик талабларига тўлиқ риоя этилган ҳолда бунёд этилаётган уй-жойлар ҳақида кетаяпти.

Бир хил қилиб қурилаётган замонавий уйларнинг балан даштларидан кўра, айнан фаизли кўрилади. Дарвозалари бежирим, кенг, деворлари бир текис. Кўчалар ҳам ушбу манзарага монанд; текис асфальтланган, икки томонида лоток-ариқлар. Тоза ичимлик суви оқиб турадиган жўмраклар ҳам муҳайё.

Халқимизга манзур бўлаётган бундай уйларнинг барпо этилишида бевосита «Қишлоққурилишбанк»нинг ҳам хизмати беқиёс. Эл фаровонлиги, юрт равнақи йўлида хизмат қилаётган ташкилотлардан бири «Қишлоққурилишбанк» ОАТБ Навоий минтақавий филиали фаолияти билан яқиндан танишганимизда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

— Филиал томонидан жами кредит қўйилмалари қолдиғи 93,2 миллиард сўмни ташкил қилиб, шундан кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг биринчи ярмида 137 та ҳужалик юритувчи субъектга 9,2 миллиард сўм миқдорида турли хилдаги кредит маблағлари ажратилди, — дейди «Қишлоққурилишбанк» ОАТБ Навоий минтақавий филиали бошқарувчиси ўринбосари Хусан Амонов. — 2013 йил 1 июль ҳолатига кўра, банкимиз бўлими томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредит маблағларини тармоқлар бўйича таснифласак, йил бошидан жами 9,2 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилган.



Шундан саноат соҳасига 1,6 миллиард, қишлоқ хўжалиги соҳасига 0,7 миллиард, савдо соҳасига 4,1 миллиард, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига 2 миллиард, бошқа соҳаларга 0,7 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури тегишли бандларининг ижросини таъминлаш мақсадида банкимиз филиали томонидан 2013 йилнинг дастлабки икки чораги давомида ўттиз етти нафар коллеж битирувчисини иш билан таъминлашга кўмаклашиш мақсадида 192,1 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит, шунингдек, тадбиркорлик билан шуғулланиши учун олтига ёш оилага 151 миллион сўм миқдорида, ўн тўртта ёш оилага уй-рўзғор буюмлари ва маиший техника жиҳозларини сотиб олишлари учун 72,9 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди. Қишлоқларда яшовчи етти нафар фуқарога маҳаллий уй-рўзғор буюмларини сотиб олиши учун 36,1 миллион сўм миқдорида истеъмол кредит маблағлари ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Навоий вилоятида 2009—2012 йиллар давомида 1460 та намунавий

лойиҳа асосидаги уй-жой қуриб фойдаланишга топширилган эди. Бунёдкорлик аънанаси бу йил ҳам давом этапти. 2013 йил давомида вилоят бўйича 600 та ана шундай уй-жой барпо этилиб, эгаларига ўз вақтида топшириш мақсадида қурилиш ишлари жадал амалга оширилмоқда.

Хусусан, Кармана туманида қурилаётган 320 та, Қизилтепа туманидаги 80 та, Конимех туманидаги 10 та, Навбахор туманидаги 30 та, Нурота туманидаги 25 та, Томди туманидаги 50 та, Учқудуқ туманидаги 25 та, Хатирчи туманидаги 60 та уй-жой объектида иш қизғин.

Бунёд этилаётган 600 та намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойнинг 500 таси «Қишлоққурилишбанк» ОАТБ Навоий минтақавий филиали томонидан, олтимиштаси Миллий банк ТИФ Навоий бўлими томонидан, қирқтаси Ипотека банк АИТБ Навоий филиали томонидан молиялаштирилмоқда.

Қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш, замонавий уйлар, янги йўллар, сув, газ, электр тармоқларини барпо этиш, умуман, инфратузилмани кенг ривожлантириш юртдошларимизнинг эртанги кунга ишонч-умидини мустаҳкамлайди.

Майсапа НАЗАРОВА,
«Turkiston» мухбири

Изланишлар меваси

Бўка педагогика касб-ҳунар коллежида мутахассис-кадрлар тайёрлаш сифатига алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу йўналишдаги ишларни муваффақиятли олиб бориш учун педагог-кадрлар малакасининг узлуксиз ошириб борилаётганлиги, уларнинг тез-тез аттестациядан ўтказилаётганлиги яхши самара бермоқда.

812 нафар ўқувчи таҳсил оладиган мазкур таълим даргоҳида барча зарур шароитлар муҳайё қилинган. Олтимишдан зиёд ўқитувчи педагогларнинг иш фаолияти тегишли тартибда назорат қилиб борилади. Бошланғич таълим, мактабгача таълим методикаси, жисмоний тарбия ва болалар спорт, компьютер ва компьютер тармоқларини созлаш механиги, тикувчилик ишлаб чиқариш каби бешта йўналиш бўйича ўқувчиларга тўлақонли билим берилади.

Ахборот-ресурс марказида ўқувчиларнинг мустақил изланишлари учун барча адабиётлар етарли. Замонавий компьютер жамланмасидан, электрон дарсликлардан унумли фойдаланилади. Ўқув-лаборатория хонаси, лингафон хонаси тўлиқ замонавий жиҳозга эга. Шунингдек, коллежда мини футболга ихтисослашган спорт зали, тренажёр зали мавжуд.

Ушбу ўқув йилида коллежни 321 нафар ўқувчи тамомлади. Уларнинг барчаси корхона ва ташкилот-

лар билан уч томонлама шартномалар тузди.

Педагогика коллежи билан тумандаги мавжуд 54 та умумтаълим мактаби ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик алоқаси ўрнатилган. Шунинг учун булса керак, мактаб битирувчиларини коллежга қамраб олиш борасида муаммо юзага келган эмас. Айниқса, коллеж жамоасининг тарғибот-ташвиқот ишларини изчил олиб бораётгани эътиборлидир. Худудларга бўлинган ҳолда «Очқ эшиклар куни», «Касблар фестивали» сингари тадбирлар ташкил этилиши мактаб битирувчиларида ва ота-оналарда катта қизиқиш уйғотди. Ана шу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, коллежга янги ўқув йили учун 240 нафар ўқувчи қабул қилинди.

— Обод турмуш йили муносабати билан коллежimiz худудида катта ҳажмдаги ободончилик ишлари амалга оширилди, — дейди коллеж директори Аъзамжон Борхўжаев. — Худудимизга уч минг туп терак кўчати ўтқазганмиз. Жуда кўп анвойи гуллар экилди. Мевали ва манзарали дарахт кўчатларини ўтқазиб парвариш қилганмиз. «Ёшлар» ва «Устозлар» боғи ўзгача фусун касб этган.

Бўка педагогика касб-ҳунар коллежи жамоаси ўз ички имкониятларидан самарали ва унумли фойдаланиб, янги изланишлар билан меҳнат қилаётганлиги ижобий натижалар омили бўлмоқда.

Ашурали БОЙМУРОД,
«Turkiston» мухбири



Қимматга тушган балиқ

Гавайя ороллари яқинида бўтакўз тунец балигини овлаган балиқчининг қайиғи ағдарилиб кетди.

Аниқроғи, балиқнинг типирчилаши натижасида қайиқ денгизнинг ўртасида тўнкарилиб қолди. Афтидан 105 килограмм балиқ учун қайиқ кичкиналик қилган. Энтони Вичман исмли балиқчи эса қўл телефонидан уйига қўнғироқ қилиб, қутқарув хизматига хабар беришларини сўраган. Қутқарувчилар вертолётда бориб, балиқчига ёрдам кўрсатишди. Энтонининг дўстлари қайиқни олиб кетгани келганларида, не кўз билан кўрсинки, тунец қайиққа боғлангани сабаб сузиб кета олмаган. Бўтакўз тунецлар, одатда, 180 килограммгача оғирликда, гўшти мазали бўлади.

Пул ҳам ёрдам бермади

Канадада дунёдаги энг машҳур дея ҳисобланган шеп лақабли ит артрит касаллигидан ўлди. Жон Хангернинг бу ити йигирма йилдан ортиқроқ яшади.

Ветеринарларнинг тавсиясига кўра, сув артритда яхши фойда беришини билганидан сўнг жонкуяр Жон итини қўлга олиб тушади. Сувда итни ухлатишга ҳаракат қилгани тасвирланган сурат ижтимоий тармоқлар ва бир нечта сайтлар орқали дунё бўйлаб тарқаб кетди. Итни даволашга пул етмаётганини билган шепнинг мухлислари олти ойда унга нақ 25 минг доллар йиғиб беришди. Турли тиббий муолажалар жониворга озгина ёрдам берди, холос. Бироқ унинг жонини сақлаб қолиш учун 25 минг доллар ҳам камлик қилди.

Ўйин ишқибозлари, огоҳ бўлинг!

Италиялик автомат ўйинлари ишқибози Нуре Брегу омадсиз ўйиндан сўнг барча автомат-компьютер қурилмаларини болта билан чопиб ташлади.

Бахтли тасодиф туфайли 47 ёшли асабий ишқибоз ҳеч кимга жароҳат етказмаган. Гувоҳларнинг айтишича, у ютқазганидан сўнг бақириб, тўполон қилиб клубдан чиқиб кетди. Бироз вақт ўтиб Нуре болта билан қайтиб келган. Уни ҳатто қуриқчилар ҳам тўхта олмаган. Ўзи доимий ютқазган компьютерларни синдириб бўлганидан сўнг клуб ташқарисидаги ўриндиққа ўтириб, полицияни кутган. Полиция ҳозирда тергов қилаётган бу шахс олти ойдан икки йилгача қамоқ жазосига ҳукм қилиниши мумкин.

Ёзги олимпиада эсингиздами?

Лондонда ўтказилган Ёзги олимпиада ўйинларидан олинган фойда 15 миллиард долларга етди.

Олимпиадага тўққиз миллиард доллар сарфланган эди. Айтишларича, Олимпиада ўйинлари сабабли 31 мингта янги иш ўрни яратилган. Эксперт-мутахассислар фикрига кўра, тадбирдан олинаётган даромад 2020 йилга қадар давом этиши мумкин. Натижада умумий даромад 60 миллиард долларгача етади, дея тахмин қилишмоқда мутахассислар.

Интернет манбалари асосида
Нодира ЗОҲИДОВА тайёрлади



Сўлим табиат қўйнида ҳордиқ чиқараётган болалар учун ҳар бир кун мазмунли ва мароқли ўтмоқда. Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги «Гулбахор» болалар соғломлаштириш оромгоҳида қорақалпоғистонлик 200 нафар ўғил-қиз дам олмоқда.

Атрофи мевали ва манзарали дарахтлар, турфа гуллар билан ўралган бу сўлим гўшага кирар экансиз, болаларнинг шўх-шодон кулгилари қулоғингизга чалинади. Улар сузиш ҳавасида мириқиб чўмилмоқда. Сал нарироқда шахмат-шашка, қувноқ стартлар, стол теннис баҳслари давом этаётир.

СУРАТДА: (чапдан) Аббос Абдимуродов, Қаноат Медедбоев, Бердақ Абдимуродов.

Ёлқин ШАМСИДИНОВ (ЎЗА) олган сурат

Kitob javoningizga

Адабиёт — ҳаёт дейдилар.

Кимки, адабиётни севибди, у ҳаётни ардоқлабди, эъзозлабди, демак. Жаҳон адабиётида шундай бебаҳо асарлар яратилганки, замонлар ўтиши билан уларнинг ижодий салоҳияти, қадр-қиммати тобора юксалиб бораверади.

Нафис таржима

Серқирра ижодкор, Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол Жалолддин Румийнинг «Маснавий маънавий» асарини таржима қилиб, адабиёт ихлосмандларига тақдим этди.

Китобда муаллиф, ким бурнини ножоиз ишларга тикиб, гийбатни жон қулоғи билан эшитар ва уни афкор омма орасида тарғиб қилиб, бировнинг дилини оғритишдан шодланар экан, билингки, унинг тана аъзолари кун келиб озор топқуси, ўзи қазиган чоғга ўзи гумдон бўлгуси, дейди.

Кимки қалби ва бутун вужудини яхшилик ила тарбия қилмас экан, билингки, унинг покизаликка даҳли йўқ, барча бошлаган ишлари куфр ҳисобланади. Инсон вужудини, барча тана аъзоларини поклаши, савоб ишлар қилиши, ўзганинг бахтидан шодлана олиши лозим.

Шоир ва таржимон Жамол Камол Жалолддин Румий ҳазратларининг асаридagi ибратли фикрларни китобхонга нафис таржима орқали етказар экан, буюк аждодларимиз руҳи олдида барчамиз масъул эканлигимизни эслатиб қўяётгандек гўё.

Моҳигул БОБОЕВА,
Самарқанд давлат чет тиллар
институтини ўқитувчиси

YON DAFTARCHANGIZGA

От қадрини билмаса, яёв кўрар жазосин,
Эл қадрини билмаса, ёвлар берар жазосин.

Ўзбек халқ мақоли

«Yosh kuch»да ўқийсиз

Jurnalning yangi soni

Қадрдон дўстлар шунақа бўлади: ҳар кунни кўришмасалар ҳам, бир-бирига бўлган меҳр-оқибати сусайиб қолмайди. Ҳатто ойда бир марта дийдорлашиб турсалар ҳам.

«Yosh kuch» журнали билан унинг ўқувчилари муносабати ҳам шундай. Яқинда бу дўстлар 2013 йил ҳисобидан яна бир бор бир-бирлари билан дийдор кўришишди.


«Ўзбекистон дунё эътирофида». Бу гап, аслида, янгилик эмас. Юртимизнинг бебаҳо меъморий обидалари, минглаб хушхаво, хуш-

манзара жойлари бор. Журналдан ўрин олган «Ўзбекистон дунё эътирофида» мақоласини ўқисангиз, жонажон диёримизнинг сайёҳлик имкониятлари ҳақида қизиқ маълумотларга эга бўласиз.

«Санъат — кўнгил кўзгуси» мақоласида ёш санъатшунос Зулайхо Шарипова телеканалларимизда на-

мойиш этилаётган санъатга доир кўрсатувларни таҳлил қилади. Уқисангиз, у сизда ҳам фикр уйғотса, ажабланмаймиз.

Кино мухлислари учун «Дунё томоша қилсин» сарлавҳали материалда жаҳонга машҳур кинофестиваллар ҳақида маълумот берилганки, бу ҳам эътиборингиздан четда қолмаслигига ишонамиз. Журналда, шунингдек, тенгдошларимиз ижодидан намуналар ҳам ўрин олган. Унинг охириги саҳифаларини варақларкансиз, «Қувноқ латифа-



лар»дан баҳраманд бўлиб, сўнгра «Учинчи ўлчам»га саёҳат қилишингиз ҳам мумкин.

Элмурод МАҲМАРАЙИМОВ

Соябон, шамсия →									Куш тури		Сурат, фото	... тул	Ичра (поэтик)	Инкор этиш					
Кашкадарёдаги туман	6	1	3			8		Венгрия автобуси	Хиндистондаги шаҳар		... авра								
	2				7		3					... сира							
		3	5				9												
	4																		
	2		7			8		Тўпмайдон ташқарида	Спектакль кўйилдиган жой		Эра								
	1			3	5														
	9		8				7			...-Пас (шаҳар)		2	6	4	5	2	Ёзувчи, ижодкор		
					1	4	6					6	8						
								Илиб кўй! Гўзал, барно	Бўрининг ... ҳам емаса ҳам оғзи қон					5	6	2			
	"Во ..."										Актёр Уилл ...			4	1	9		8	
																4	2		
								От (форсча)		Оғиздаги аъзо								3	
														9					
														3	5	1	7		
	Мева тури																		Бурж номи

Тузувчи: Фахриддин Раҳимов